ЧЎЛПОН ИЖОДИДА ВАТАН, ХАЛҚ ВА ИНСОН ТАЛҚИНИ

Умида Сапаевна Шерматова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Чўлпон ижодида ватан, ватанпарварлик сўзларининг талқини фақат бир халқнинг ўзига хос миллий хусусияти эмаслиги, балки барча халқларнинг энг асл фарзандларига хос, умуминсоний қадриятларидан бири эканлиги ҳамда ватанини чин дилдан севган одам турли илмлар ва касб-ҳунарларни ўрганиб, унинг ободлиги ва куч-қудратини ошириш учун хизмат қилади ҳақида мулоҳаза юритилган.

Калит сўзлар: ватан, ватанпарварлик, фарзанд, одоб, озодлик, қадрият, адолат.

INTERPRETATION OF THE HOMELAND, PEOPLE AND HUMAN-BEING IN CHULPON'S WORKS

UMIDA SAPAEVNA SHERMATOVA
Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

In this article, Cholpon explains that the interpretation of the words "homeland" and "patriotism" is not only a national feature of one nation, but also one of the most universal and universal values of all peoples. thought to serve to increase.

Keywords: homeland, patriotism, child, manners, freedom, value, justice.

КИРИШ

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон шеърлари, роман ва ҳикоялари, драма ва публицистик асарлари, санъатшунослиги бошдан-оёқ миллий руҳ, миллий ғоя, озодлик ғоялари билан суғорилган. Чўлпон асарларининг қаҳрамонлари – ўз Ватанини жонидан севган, табиат – ям-яшил водийлар, дала ва боғлар, дарёлар ва тоғлар, жаннатмакон ўлканинг гўзалликларини нозик ҳис этувчи, чин инсонлик камолини билувчи, Ватан ёвларига чексиз нафрат билдирувчи ёркин тақдир эгаларидир.

Ватанимиз мустақилликка эришгач, адолатли, демократик, фуқаролик жамиятини қураётган давлатимиз, ҳукуматимиз биринчилар қаторида шоир ва

адиб, Ватанимизнинг содиқ фарзанди Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпонни “Буюк хизматлари учун” олий нишони билан тақдирланиши Мустақиллик йилларида тарихий адолатнинг тикланганидан далолат беради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Шўролар даврида, мустамлакачилик сиёсати, коммунистик мафкура ва диктатура режими тазйиқи билан миллий Истиқлол фидойиларидан бири бўлган Чўлпонни “ашаддий миллатчи”, “халқ душмани” қилиб кўрсатиш авж олди, унинг асарларини ўқиш ва ҳатто номини тилга олиш тақиқлаб қўйилди. Атоқли олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов ҳаққоний айтганидек, 1935-37 йилларда шўролар Ўзбекистонда ёш истеъдодли олимлар ва шоирлар бўлган Олим Шарафиддиновни, Хомил Ёқубовни, Ҳамид Олимжонни, Ғафур Ғуломни, Уйғунни ва бошқаларни буюк ватанпарвар Чўлпонга қарши қайрадилар, уни қоралаб ёзишга мажбур қилдилар. Фақат Қодирий ва Ойбек Чўлпон шеъриятини қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар.

Ҳолбуки, Чўлпон буюк санъаткор сифатида бу ёш олим ва шоирларга устоз эди, улар ўзларини Чўлпоннинг шогирди деб билар эдилар. “Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки,- деб ёзади Озод Шарафиддинов, - 20 йилларда Чўлпон шеърлари Ўзбек поэзияси ривожида янги саҳифа очди. Ўша пайтларда адабиёт оламига эндигина қадам қўяётган Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Миртемир каби ёш шоирлар Чўлпонни устоз билиб, этагидан маҳкам тутишади. Шеърият сирларини эгаллашда, маҳорат пиллапояларидан кўтарилишда Чўлпон шеърияти улар учун чинакамига дорилфунун бўлди ” .

Бу вақтда Чўлпон етук санъаткор сифатида аруздан бошқа, туркона эркин вазнларда ҳам буюк ва нафис тилимиз хазиналари мавжудлигини, бу тилда энг нозик, нафис туйғуларини, руҳий кечинмаларини, маъно товланишларини гўзал ифодалаш мумкинлигини исботлади.

Чўлпон ёш авлодга, халқ оммасига Ватанни севишни, Ватан гўзалликларини кўришни ўргатди. Чўлпон фикрича, Ватан “Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал”. Шоир Ватан образини, сиймосини мураккаб маънолар, фикрлар ичига яширади, ўзи излаётган гўзалнинг кимлигини айтмайди. “Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб, энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен, ” –дейди шоир.У кимни излайди?Яхшироқ ўйлаб кўрсак, тушунамизки, шоир шўро мустамлакачилари йўқотган Ватанни изламоқда. Бу шеър 1919 йилда Тошкентда ёзилган.Туркистондаги уч хонлик даврида ҳам, чоризм – Романовлар, оқпошшо Николайдаврида ҳам ёруғлик –кўрмаган мазлум халқлар Қўқонда Қўқон мустақил давлат – Туркистон мухториятини тузган эдилар. Бу мустақил давлат

Советлар Россияси билан ҳам, бошқа Ғарб ва Шарқ давлатлари билан ҳам дўстона, қардошлик муносабатларини ўрнатмоқчи эди. Лекин, афсуски Советлар Шўролар бу янги мустақил давлатни бир ой ҳам яшатмай бўғиб ташлади, қонга ботирди.Қизил армия билан арман дашноқлари бир ҳафта давомида Қўқонда, уй-жойларни ёқиб, тинч аҳолини отиш, чопиш, қириш билан шуғулланди.

НАТИЖАЛАР

Чўлпон мана шу йўқолган Ватанни излар, Қуёш ва Ойдан, юлдузлардан сўроқлар эди.Чўлпон шу Ватанни ва унга севгисини яширишга, сирли маъноларга ўраб ёзишга мажбур эди. Бу услуб ҳам жуда буюк истеъдодни талаб қиларди. Юлдуз эса, “уялиб,бошини эгиб, мен уни (Ватанни) тушимда кўрамен – шунчалар гўзал, биздан-да гўзалдир.Ойдан-да гўзал”, -дейди.

Чўлпон бу шеърида миллий, анъанавий эртак руҳида, йўқотган севгилисини Қуёшдан, Шамолдан сўрайди. Қуёш Уни тушдамас, ўнгимда бир марта кўрдим.У чиндан ҳам Ойдан-да гўзалдир, Кундан-да гўзал! –дейди. Шеърнинг охирги бандида шоир бу сирли муҳаббатининг- соҳибаси кимлигини айтмаса-да, уни севиш жуда оғир, фожеий эканлигини бир неча сўз билан ифода қилади: “Мен йўқсул на бўлиб, Уни суйибмен. Унинг-чун ёнибмен, ёниб-куйибмен, бошимни зўр ишга бериб қўйибмен”,дейди.

Бу шеър ёзилган 1919 йилда ҳали собиқ мустамлака ўлкалар Россияга қўшилиб, расман Совет социалистик республикалар Иттифоқи – СССР давлати тузилмаган эди (у 1922 йилда тузилади). Шунга қарамай, пойтахти Тошкентда бўлган Советларнинг Туркистон халқ комиссарлиги ҳукумати ўз ҳарбий ва махфий хизмати кучлари билан мустақил миллий давлат – Туркистон мухторияти тузувчиларини тутиб, азоблаб отиб ташлай бошладилар. Бошқача айтганда, қизиллар, советлар террори 1937 йилдан анча аввал, 1918 йилдаёқ бошланган эди.

Ватанпарварлик фақат бир халқнинг ўзига хос миллий хусусияти эмас, балки барча халқларнинг энг асл фарзандларига хос, умуминсоний қадриятларидан биридир. Ватанини чин дилдан севган одам турли илмлар ва касб-ҳунарларни ўрганиб, унинг ободлиги ва куч-қудратини ошириш учун хизмат қилади.Ватанпарвар ва миллатпарвар аллома Абдурауф Фитрат “Мунозара” асарида бухоролик мударрис билан фаранги (овруполик, франсиялик) меҳнат баҳси орқали Бухоро ва Самарқанд мусулмонлари илм-фанларида Оврупо халқларидан жуда-жуда орқада қолганини, маърифатсиз ва ҳимматсиз бўлиши ўз жаҳолатлари сабабли ислом дини –ҳамда Ватан шарафига лоқайд қараб, инсоний қадр-қимматини- йўқотаётганидан қайғуради.Фаранг

сайёҳи дини Исломни, Қуръонни яхши билгани учун Бухоро аҳлини ўз ватани ва динини ҳароб, вайрон қилганини айтиб, айблайди. “Таассуфки, сиз мусулмонлар тоифаси Қуръон ва ҳадиснинг маъноларидан жуда йироқлашиб кетгансиз. Шу алфозда (фақат оғизда) Қуръонни ўқиб, савобини фақат ота, оналарингиз руҳига бағишлаб ўрганиб қолгансиз”.(Фаранг айтмоқчики, аслида Қуръонда минглаб азиз маънолар борки, уларни ўқибгина қолмай, ҳаётда амалга ошириш зарур).

“Биз фарангийлар, - дейди овруполик меҳмон, - динингизни душмани эсак-да, Қуръон ва ҳадисларингизни куйдириш ўрнига, улардан ўз манфаатимиз учун фойдаланишни ўргандик. “Бешикдан лаҳадгача илм изланг” , “Илмни Чинда бўлса ҳам талаб қилинг” ҳадисларидан фойдаланиб, овруполиклар илм-фанларда беҳад ўзиб кетдилар. Қуръон ва ҳадис амр-фармонларини амалга ошириб, фавқулодда тараққиётга эришдик.Ва сизлар ғафлатда қолиб, Қуръоннинг саодатли ҳукмларидан ҳамда ҳикматли хабарларидан баҳра ололмай, таназзул тубига тушдингиз. Агар 200 йил аввал ушбу минг нафар мусулмон Қуръон ва ҳадис ҳикматларига эга бўлсалар эди, ҳозир йигирмата ислом мамлакатидан ўн саккизи қўлдан кетмаган бўлур эди”. Мутафаккир Фитрат айтмоқчики, ватанини севган динини ҳам оёқ ости бўлишига йўл қўймаслиги зарур.Аслида эса, дейди меҳмон, - дин ва шариатни ўзларингиз хор қилмоқдасиз. Шўролар даврида эса Ватан ҳам, дин ва шариат ҳам йўқотилди. “Туркистон мухторияти муваққат ҳукуматида ўзбек, қирғиз, қозоқ, туркман, яҳудий ва тожик миллати кўпдан бери орзу қилган миллий давлат деб қабул қилинди, ҳамма жойда (таъкид бизники – Ш.У.) оммавий бирдамлик ҳаракатлари бошланиб кетди.Шу йили 6 декабр куни Тошкентда 60 минг кишилик митинг ўтказилиб, қатнашчилар Мухтор Туркистон ҳукуматини қутладилар.Митинг якунида қабул қилинган қарорда янги Туркистон Мухторияти Русиядаги инқилобий советлар ҳокимияти томонидан қўллаб-қувватланишига ишонч билдирилди. 13 декабр куни “Мухтор Туркистон учун” деган шиор остида Тошкентда ва бошқа шаҳарларда байрам намойишлари бошланди.Матбуотда таниқли маърифатчилар ва жамоат арбоблари Мухториятини табриклаб, мақолалар эълон қилдилар (Афсуски, муаллиф буларнинг исми-шарифларини айтмаган). Бизга маълум манбаларга кўра, Туркистон мухториятини қутловчилардан бири Абдурауф Фитрат, яна бири Ҳамза Ҳакимзода эди. Чўлпоннинг қайғули шеърлари Туркистон мухторияти қонга бўялганидан сўнг ёзилган бўлса керак.

Жумладан, аллома Фитрат ўша кунлари (1917, 5 декабр, “Хуррият” газетасида) эълон қилинган “Мухторият” табрик мақоласида бундай сўзларни ўқиймиз: “Туркистон мухторияти...Темур ҳоқоннинг чин болалари ёнида, Туркистонли тубчак туркийлар орасинда мундан уруғли (улуғвор), мундан

муқаддас, мундан суюнчли сўз, иймонни юксалтирувчи бир қувват бор эса, ёлғуз шу сўзда бордир: Туркистон Мухторияти.

Эллик йилдан бери (1865 йилдан бери) эзилдик, таҳқир этилдик, қўлимиз боғланди, тилимиз кесилди, оғзимиз қопланди, еримиз босилди, молимиз таланди, шарафимиз емирилди, номусимиз ғасб қилинди, ҳуқуқимизга тажовузлар (агрессиялар) бўлди, инсонлигимиз оёқлар остига олинди – тўзимли турдик, сабр этдик...”

МУҲОКАМА

Инқилоб бўлди (А.Фитрат, А.Авлоний, Беҳбудий, Мунаввар қори ва бошқалар 1967 йил феврал инқилоби бизга ҳам ҳурлик беради деб ишонганлар) “Русиянинг қўшма халқ жумҳурияти (яъни, федератив республикалар иттифоқи - РСФСР) усулида идора этилувчи жарланди (яъни, жар солиб эълон қилинди), Украина, Тотор (Бошқирд) ва бошқа миллатлар мухториятлари тасдиқ этилди. Қўнуқ (Қўнум навбати) Туркистонники эди. Туркистоннинг тарихий хонбалиқ (пойтахт)ларидан иккинчиси бўлган Хўқанд шаҳрида тўпланган Туркистон қурултойи (1917 йил) 27 нўябр (бошқа манбаларда 26 дан 27 нўябрга ўтар кечаси) “миллий лайлатул-қадримиз ” бўлган ярим кечасинда Туркистон мухториятини эълон қилди”.

Уч ойдан сўнг Туркистон мухторияти қонга ботирилди.Бу мудҳиш воқеа, большевик шўролар – совет истилочиларининг туркий халқларда қасди, алами бўлган арман дашноқлари ёрдамида хурриятчилар ва тинч аҳолининг қирғин қилиниши Алихон тўра Соғунийнинг “Туркистон қайғуси” асарида ҳаққоний ёритилган.Қаҳрамонона ишлари билан халқ орасида меҳр- ва муҳаббат, шон-шуҳрат қозонган бу аллома ёзишича, Туркистон Мухторияти Муваққат ҳукуматининг 12 раҳбари қаторида Алихонтўра Соғунийнинг акаси Олимхонтўра, поляк мусулмони бўлган миллий озодлик курашчиси ҳуқуқшунос Оғаев бошқалар бўлган.Алихон Соғуний бу шахсни “Инсоният қаҳрамони, ҳақлик қурбони (ҳақ иш йўлида қурбон бўлган)” буюк зот сифатида, эҳтиром билан ёзади.

“Чор ҳукумати йиқилганидан сўнг Полша бошлиқ бутун Болтиқбўйи миллатлари ўз ҳуқуқларига эга бўлиб, мухторият олмиш эдилар.Полша халқининг миллий озодлик курашчиси Оғаев Туркистонда қурилаётган ёш давлатларга ёрдам бериш учун ўз ихтиёри билан Қўқонга келган, бу ерда хурриятчиларга амалий ёрдам кўрсатгани учун Туркистон мухторияти ҳукумати раисининг ўринбосари қилиб сайланган эди”.Биз билган манбаларда раиснинг бошқа ўринбосарлари сифатида Мустафо Чўқаев, Вали Қаюмхон, Аҳмад Закий

Валидий ва бошқалар бўлган.Сайфиддин Жалиловнинг “Бухорийлар қиссаси” китобида халқимизнинг асрий орзу, тилаги бўлган бу тарихий воқеага жиддий эътибор берилганлиги табиийдир. У ҳаққоний кўрсатганидай, Марказий истилочи болшевиклар ҳукумати оғзида, қоғоз-ҳужжатларда миллий республикадаги озодлик ҳаракатларини, хурриятчиларни қўллаб-қувватлаймиз дейишар, амалда ниятлари жуда бузуқ бўлиб, ҳар қандай миллий озодлик ҳаракатларини бўғиб ташлашга тайёр эдилар.Улар шундай қилдилар ҳам.Болшевиклар янги миллий давлатни тан олмай, ўзларича Туркистон ўлка Совети Ижроия қўмитасини туздилар.Бу ҳукуматнинг асосий раҳбарлари – 14 комиссар,вазирлар орасида бирорта ҳам маҳаллий миллат вакили йўқ эди. “Бухорийлар қиссаси” китобида болшевикларнинг истилочи ҳукумати раҳбари Ф.И.Колесов буйруғи билан Тошкент меҳнаткашларининг Туркистон Мухториятини табриклаб, ўтказган намойиш қатнашчилари пулемётлардан ўққа тутилиб, қириб ташлангани, 1918 йил 31 январида эса, Советлар К.Осипов раҳбарлигида артиллерия замбаракларидан Қўқон аҳолисига ўт очилиб, шаҳар уй-жойлари ёқиб юборилгани, яна 5 ва 6 феврал кунлари Қизил армия ва “Дашноқ-қутюн” фабрикаси жангчилари томонидан Қўқонда 6 минг аҳоли ўлдирилгани тўғри ёритилган.

Бу тарихий воқеаларга жиддий эътибор берганимизнинг сабаби тушунарли.Чунки, худди шу ёвузликлар, қонли қирғинлар биринчидан, қўрбошилар деб аталган миллий озодлик кучларининг кураши ва бу ҳаракат енгилгани оқибатида энг миллатпарвар кучларнинг муҳожиратга кетиши ва ўша ёқларда жуда оғир шароитларда Ватан озодлиги учун курашни давом эттиришига асосий сабаблардан эди.Ватанда қолиб, ўз ерида ошкора ва яширин равишда курашни давом эттирганларнинг нақадар оғир аҳволда қолганлигини ҳозирги ёш авлод яхши билмайди.

ХУЛОСА

Биз ҳозир мустақил давлатимизни қуриш бахтига эришган эканмиз, халқимизнинг узоқ ва яқин ўтмишини, тарихий хотирани унутишга ҳам маънавий,ҳам демократик ҳуқуқий давлат фуқароси сифатида ҳаққимиз йўқ. Халқимиз ор-номуси, инсоний қадр-қиммати учун жон олиб, жон берган кураш йилларини, ватанимизнинг ҳақиқий тарихини ўрганиш давлатимиз фуқароларида, барча ёшга мансуб авлодлар қалбида ватанга, халққа меҳр ва муҳаббат туйғуларини уйғотади.Тарихий хотирасини йўқотганлар манқуртлашиб, фақат мол, дунё, мансаб, амалга хирс қўйиб, ўзларини ватан тақдирига алоқамиз йўқ деб, ҳис қиладилар.

Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилган Биринчи Президентимиз И.А.Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” деган асарида бундай ёзади: “Етмиш йилдан ортиқ даврда бошимиздан қандай маънавий, маданий тазйиқ, хўрликлар кечганини ҳам яхши биламиз.Мен бу ерда тил, адабиёт, тарих, дин, халқимиз генофонди, демография билан боғлиқ аянчли кечмишларни назарда тутаяпман”.Агар бу сўзларнинг маъно салмоғига эътибор берсак, юқорида айтилган алломаларимиз Абдурауф Фитратнинг, Алихон Соғунийнинг қайғули сўзларини ҳам унутмаймиз.

REFERENCES

1. Матчонов С. (2020). Адабиёт дарсларида таҳлил ва талқин уйғунлиги. *Тил ва адабиёт таълими. 7*(7), 8-11.
2. Матчонов С. (2020). Китобхонлик ва мутолаа маданияти. БухДУ Бошланғич синфларнинг она тили таълимида инновацион технологиялардан фойдаланиш. *Халқаро конфереция материаллари 2020 йил 29 апрель,* 89-92-бетлар
3. Матчонов С. (2020). Адабий таълим тизимини технологиялаштириш ва бадиий-эстетик тафаккур муаммолари. *Низомий номидаги ТДПУ Илмий ахборотлар 2020 1*(1), 49-53-бет.
4. Шерматова У.С. (2019). Чўлпон лирикасини ўрганиш технологияси. *Tafakkur ziyosi*, *2*(2), 29-32.
5. Шерматова У.С. (2020). Kunduzsiz kechalar yog’dusi. *Til va adabiyot ta’limi, 2020*, *3*(3), 23-25.
6. Шерматова У.С. (2020). Ватан тимсоли маънавий қадрият. *Pedagogik mahorat. 6*(6), 84-88.
7. Shermatova U. (2020). The light of nights without a day. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*. *4*(4), 112-117.
8. Шерматова У.С. (2020). НАУКА И МИР. *Международный научный журнал, 4*(80), Том 2, 57-62.
9. Bakiyeva H. (2019). Developing articulation of elementary class students using independent work methodology. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*. *7*(6), 14-16.
10. Боқиева Ҳ. (2010). Бошланғич синфларда ҳолат феъллари иштирокида ўқувчилар луғат бойлигини ошириш. *Педагогик таълим, 3*(3), 28-32.
11. Боқиева Ҳ. (2013). Бошланғич синфда иборалар устида ишлаш. *Педагогик таълим, 1*(1), 62-66.
12. Umirova D. (2020). Authenticity and authentic materials: history and present. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*. *8*(10), 129-133.

13. Rasulov R. (2020). Word Valence and Syntactic Relationship. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24*(02), 295-300.
14. 19. Rasulov R. (2020). Agency Valency of Voice Forms of the State Verbs (On the Material of the Uzbek Language). *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding, 7*(7), 308-317.
15. Rasulov R. (2020). Kelajak – til sohiblariniki. *Til va adabiyot ta'limi, 7*(7), 63-64.
16. Ботирова Ш.И. (2020). Об обучении студентов филологии основам анализа и литературным терминам. *Преподавание языка и литературы, 7*(7), 82-83.
17. Ботирова Ш.И. (2020). Роль художественного психологизма в метафорической гармонизации реальности человека и жизни. *Преподавание языка и литературы, 10*(10), 64-66.
18. Botirova, S. (2020). The Role of Artistic Psychology in the Metaphorical Harmony of Man And the Reality of Life. *Asian Journal of Multidimensional Research, 9*(4), 16-20.
19. Botirova Sh.I. (2020). Problematic Aspects Related To the Use of Educational Technologies And Interactive Methods In The Classroom. *International Journal of Multidisciplinary Research, 6*(8), 539-541.
20. Botirova Sh.I. (2020). The Relationship Between Symbolically Figurative Interpretation And Psychology. *Asian Journal of Multidimensional Research, 9*(9), 12-15.
21. Sobitova T. (2020). Orzigul dostonidagi ma`naviy va lafziy san`atlar. *Ilmiy axborotnoma SamDU, 8*(4), 56-63.
22. Sobitova T. (2020). Yoshlar ma`naviyatini yuksaltirishda xalq og`zaki ijodining o`rni. *Тил ва адабиёт таълими. 5*(5), 26.